

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТОЛЕРАНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Т.Х.АКБАРОВ, У.Б.ОРУНБАЕВ,
КГПИ БатДУ, Қирғизистон

Толерантлик кўп миллатли жамиятда ижтимоий тенгликка етишиш ҳамда жамиятда тинч-тотувликни сақлашнинг асоси бўлиб, диний, маданий, ҳаёт тарзига кўра фарқларининг борлигини тан олиш, ўз маданиятини иккинчи бир маданиятдан устун қўйишдан воз кечиш ҳисобланади.

Толерантликни тарбиялашнинг психологиясини чуқурроқ англаш учун инсон психологиясининг табиати ва ўзига хос хусусиятларини тушунтириб берувчи назарияларга тўхталиб ўтиш лозим.

Психологлар орасида биринчи бўлиб Ж.Келли 1955 йилда “ҳар бир одамнинг дунёни ўзича, ўзи хоҳлагандай тушунишга ҳақлилиги, ҳар бир одам ўз ҳаётида бўлаётган воқеалар оқимини ўзининг тушунчаси орқали қараши ва баҳолаши” ғоясини илгари сурган.

Инсон ҳар бир воқеанинг мазмунини ўзи аниқлайди. Воқеа инсон томонидан идрок қилингандан кейингина одамга таъсир эта бошлайди. Одам ўзи дуч келган турмуш қийинчиликларини ўзининг ана шу қийинчиликлар тўғрисидаги тушунчасини ўзгартириш орқали енгиб ўтади.

Психология фанига Ж.Келли когнитив мураккаблик тушунчасини киритган. Когнитив мураккаблик инсоннинг атрофдаги одамларни ва ўзини идрок қилишига катта таъсир этади. Инсонда толерант онгни ва хулқ-атвори шакллантириш учун унинг когнитив мураккаблигига таъсир этиш ва уни ошириш зарур.

Толерантлик - бу бошқа одамнинг нуқтаи назарини тушунишга ва у одам билан фаолият олиб бориш учун интилишга асосланган хулқ-атвордир, турли баҳс-мунозара, тортишув ва низоларни ҳал этишда толерантлик талаб этилади.

Толерантлик тўрт тузилмадан иборат бўлиб, уларни шакллантириш толерантликни тарбиялашнинг мазмунини ташкил этади.

Толерант инсонни шакллантириш учун толерант йўналишдаги ижтимоий кўникмаларни шакллантириш, ўзини бошқа одамлар билан тинч-тотув яшашга ўргатиш лозим.

Толерантлик йўналишдаги ижтимоий кўникмалар - бу одамлар билан тўғри муомалада бўлиш, уруш-жанжалли вазиятлардан чиқа олиш, одамлар билан тил топиша олиш, ижтимоий-психологик вазминлик, ижтимоий сезгирлик, эмпатияга мойиллик, бағрикенглик, бошқа одамларнинг яхши томонларини баҳолай олишдир.

Г.В.Солдатова амалий психологиянинг контекстида толерантликка психологик вазминликни шакллантириш сифатида қараб, «толерантликни тарбиялашни психологик вазминликнинг ҳар қандай шакллларини ривожлантириш, ўзини бошқара олиш психологик вазминликка эришиш қобилиятларини ривожлантириш сифатида тавсифланган.

Ёш авлодда толерантликни тарбиялаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

1). Дунёдаги барча нарсаларнинг (ер шаригадаги материклар, давлатлар, уларда яшовчи халқлар, ҳайвонлар, ўсимликлар ва б.) турлича эканлигини тушунтириш.

2). Миллатларни ирқи, дини, ҳаёт-тарзи ҳар хил эканлигини тушунтириш.

3). Миллатлар бир-биридан фарқ қилишини тушунтириш.

4). Кишилардаги ўзгачаликка бағрикенглик ва сабр билан муносабатда бўлиш.

5). Фуқароларни ўзаро тинч-тотувликда яшашга ўргатиш.

6). Ёшларга маъсулиятни сезган ҳолда, жавобгарликни юқориладиш йўналишида тарбия бериш.

7). Ёш авлодда вазминликни кучайтириш, бағрикенглик, сабрлилик, чидамлилик каби хусусиятларни тарбиялаш.

Толерантликни тарбиялаш учун куйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур:

1. Бошланғич синфдан бошлаб ўқувчиларга одамлар ҳар-хил бўлиши, улар билан яхши муомала қилиб яшаш керак эканлигини тушунтириш.

2. Ҳар бир нарса ўзини такрорланмас, қадрли хусусиятларига эга эканлиги, шунинг учун бунга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш керак эканлигини тушунтириш.

3. Ўзининг ўз халқининг маданияти, ҳаёт тарзини бошқаларникидан устун деб ҳисобламасликка ўргатиш.

Биз олиб борган кичик тадқиқотимизда бошланғич синф ўқувчиларини толерантликка тарбиялашнинг мазмунини очиб бериш асосий вазифалардан бири эди. Бу вазифани ечиш мақсадида олдимизга ўқувчиларни толерантликка тарбиялаш учун нима ишлар қилиш керак? - деган саволни кўйдик ва толерантликка тарбиялаш куйидаги беш йўналишда олиб борилиши лозим деган хулосага келдик:

- ўзини вазмин тута олишга ўргатиш.

- инсон ҳуқуқлари ҳақидаги қонунларни ўргатиш.

Толерантликни тарбиялаш кўп маъноли, мураккаб тушунча сифатида ўқувчи кўп томонлама таъсир этишни, уларда одамни севиш, ҳурматлаш туйғуларини, иноқликда яшашга интилиш, сабрлилик, бағрикенглик, чидамлилик, кечиримлилик ва бошқа хусусиятларни шакллантиришни талаб қилади. Бошланғич синф ўқувчиларига сабрлилик, бағрикенглик, чидамлилик, кечиримлилик ва бошқа хусусиятларни сингдириш, уларнинг мазмунини англатиш бошланғич синф ўқувчиларининг дунёқараши, дунёни қабул қилишлари, англашларини ўзгартириб, ўқувчиларнинг толерантлик ҳулқ-атворида эга бўлишларига хизмат қилади.

